O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
YANGIQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING

QARORI

Yangiqo’rg’on shaharchasi Mustaqillik ko’chasi, 1 uy. 161200 Tel: (69)63-21-051

2022 - yil 30 - sentabr 542-6-90-Q/22 Yangiqo‘rg‘on tuman hokimligi

Янгиқўрғон туманида дам олиш кунларида ярмаркаларни ташкил этишни самарали йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 28-августдаги 253-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидаларига мувофиқ, туман ҳудудида дам олиш кунлари ярмаркаларни ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятни тартибга солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгиқўрғон туманидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ярмаркалар ўтказиш бўйича берган тақлифларини инобатга олиб, “Янгиқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ ҳудудларида ҳар якшанба кунлари соат 07:00 дан 17:00 гача ярмаркалар ташкил этилиши белгилансин.

2. Ярмаркаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган озиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат берилиши;

- ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилиши;

- ярмаркалар учун ажратилган савдо ўринларининг тоза ва тартибли сақланишига сотувчилар масъул эканлиги кўрсатиб ўтилсин.

3. Ярмаркаларда маҳсулотларни сотиш қуйидаги ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин:

- товарга оид ҳужжатлар (тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган, сотилаётган маҳсулот жисмоний шахс томонидан унга ёки унинг оила аъзоларига ажратилган ер участкасида етиштирилганлигини тасдиқловчи белгиланган шаклдаги ҳужжат (маълумотнома);

- сотувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4. “Янгиқўрғон деҳқон бозори” МЧЖ маъмурияти:

- ярмаркалар ташкил этиш учун бозорнинг аҳоли учун қулай бўлган қисмидан, бозорнинг умумий савдо майдонининг 5 фоизидан кам бўлмаган махсус жойлар ажратилишини;

- ярмаркалар учун ажратилган ҳудуддан савдо ўринларининг бепул берилишини;

- ярмаркалар ўтказилишини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритишни таъминласин ва бозорнинг кириш жойларига эълонлар жойлаштиришни ташкил этилишини инобатга олсин.

5. Янгиқўрғон Давлат солиқ инспексияси (Н.Алимов) ҳар якшанба кунлари ярмаркалар ташкил этиш учун жой ажратилганлигини, ўтказилаётганлигини ҳамда ярмаркалар ҳудудида савдо ўринларининг бепул берилишини ҳамда ярмаркаларда товарга оид ҳужжатлар мавжудлигини доимий назорат қилсин.

6. Янгиқўрғон санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бўлими (С.Умаров) ярмаркаларда сотилаётган маҳсулотларнинг турларига қараб жойлаштириш ва улар сифатининг санитария қоидалари ва гигения нормаларига тўғри келишини доимий назоратга олсин.

7. Янгиқўрғон туман ички ишлар бўлими (Р.Якуббаев) бозор ҳудудида ярмаркалар ўтказиладиган кунда жамоат тартибини сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

8. Мазкур қарор “Янгиқўрғон хаёти” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Купайсинов зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **A.Najmiddinov**